

ГЕНДЕР ТЕНГСИЗЛИГИ – АДОЛАТСИЗЛИКНИНГ БИР НАМУНАСИ СИФАТИДА

Сатторова Дилсўз Алишеровна,
Жиззах шаҳар “Ўратепалик” МФЙ хотин-қизлар фаоли

Сатторова Маҳлиё Бурхановна,
ЎзМУ Жиззах филиали 1-босқич докторанти

Аннотация:

Ушбу мақолада жамиятда гендер тенглиги масаласида эркак ва аёллар ҳуқуқ ва эркинликлари, аёлларга яратилаётган имкониятлар ҳамда оилавий муносабатларда тутган ўрни фикр юритилган.

Калит сўзлар: Гендер, аёл ва эркак, оила муносабатлари, БМТ, гендер тенгсизлиги, ижтимоий нормалар, ҳуқуқий маданият.

Гендер тенгсизлиги - бугунги кунда энг катта адолатсизлик ва энг катта инсон ҳуқуқлари муаммосидир.

Инсон табиатида моддий манфаатларни қондиришга бўлган эҳтиёж, моддий аҳволини яхшилаш, сифатли овқатланиш, бежирим кийиниш, тўқ ва фаровон яшашга интилиш ҳисси ривожланган. Бу ҳис уни тинмай меҳнат қилишга ундайди. Ақл-заковат ёрдамида қилинган бу онгли меҳнат туфайли одам меҳнат қуролларини такомиллаштирди, кўплаб моддий бойликларга, беҳисоб тирикчилик воситаларига эга бўлди. Жамият мавжуд имкониятларини меҳнатни ташкил этишга қаратди ва бу соҳада оламшумул ютуқларни қўлга киритди. Социологларнинг тадқиқотида кўра, одам илк яшаш даврида атиги 10 та буюмга эҳтиёж сезган бўлса, бу кўрсаткич бизнинг асримизга келиб 24 миллионга етди. Инсоният ўз ҳаётининг моддий иқтисодий томонини тубдан ўзгартириб юборди. Булар эркак ва аёлнинг тенг меҳнати натижасида бунёд бўлганлиги барчага маълум. Ҳозирги кунда ҳам жамиятнинг моддий-иқтисодий ривожланиши тараққиётнинг ягона мезони деб қаралмоқда. Бир қараганда, бу тўғридек кўринади. Лекин, афсуски, ижтимоий ишлаб чиқаришнинг бир томони – маънавий жиҳатига эътибор сусая бошлади. Оила муносабатларининг ижтимоий характерида аҳамият камая бориб, бу масала кишиларни камроқ қизиқтира бошлади. У хусусий ишга айланиб, ишлаб чиқаришнинг бу икки тури орасидаги мувозанат бузилди, у кишилиқ жамияти учун кўплаб ўта жиддий ва хатарли муаммоларни келтириб чиқара бошлади. Шундай муаммолардан бири гендер тенглиги муаммоси бўлиб ҳисобланади. Масалан, оила муносабатлари кишиларнинг маънавий-руҳий фаолиятини белгилаганлиги учун ҳам бу жараён, энг аввало, уларнинг маънавий-руҳий дунёсини барбод эта бошлади. Бу эса жамиятни маънавий-руҳий инқирозга олиб келди. Бу

инқироз Ерда одамзотнинг биологик тур сифатида бундан кейин ҳам яшаб қолишини таҳлика остида қолдирмоқда. Шунинг учун ҳам оиланинг ривожланиш қонунларини ўрганиш ва оилавий муносабатларнинг илмий, маънавий-ахлоқий асосларини жамият аъзолари онгига сингдириш ижтимоий фанлар олдидаги энг долзарб муаммолардан бўлса, меҳнат тараққиёти билан оила тараққиётини ўзаро мувозанатда, мутаносибликда олиб бориш сиёсатини ташкил этиш жамиятнинг, ҳар бир миллатнинг асосий вазифаларидан биридир [1].

Кишилиқ ҳаётида хотин-қизларнинг мавқеи ҳам жамиятнинг оила муносабатларига бўлган эҳтиёжидан келиб чиқиб белгиланади. Оила муносабатлари ижтимоий ҳаётни белгилашда жуда муҳим аҳамиятга эга, деб қарайдиган халқлар орасида аёлнинг мавқеи бирмунча юқори туради. Шунинг учун ҳам кишилиқ жамиятининг илк даврида, яъни она уруғи ҳукмронлик қилган даврда аёлларнинг мавқеи жуда юқори бўлган ва у жамият тараққиётида белгиловчи аҳамият касб этган. Бироқ патриархал даврига келиб аёлларга бўлган муносабат ўзгара бошлади.

2020 йил 6 мартда БМТнинг Нью-Йоркдаги бош қароргоҳида Халқаро хотин-қизлар кунига бағишланган махсус тадбир бўлиб ўтди. Ушбу тадбирда БМТ Бош котиби Антониу Гутерриш иштирокчиларга мурожаат қилар экан, у ўзини ғурур билан “феминист” деб атади ва бутун дунёни, унинг фикрича, патриархал тузум мероси бўлган аёлларга нисбатан очиқ-ойдин камситишларга қарши курашга кўтарилишга чақирди.

“Замонимизда гендер тенгсизлигининг мавжудлиги жуда катта адолатсизлик ва инсон ҳуқуқларининг энг катта муаммосидир. Мен буни аввал ҳам айтганман ва яна айтаман: гендер тенглиги бу ҳокимият масаласидир. Эркаклар аёлларни бошқариш учун ўз кучларини суиистеъмол қиладилар. Минг йиллар давомида улар ўз потенциалларини рўёбга чиқаришга халақит беришди”, деди Бош котиб. Унинг қўшимча қилишича, кўпинча аёлларнинг муваффақиятлари сукут бўлади.

Аёлларнинг ютуқлари асрлар давомида яширинган. “Яқингача мен иқлим фанининг асосчиларидан бири аёл, асосчи она эканлигини билмагандим. 1856 йилда америкалик олим ва инсон ҳуқуқлари фаоли Юнис Фут атмосферада карбонат ангидриднинг тўпланиши Ер ҳароратига таъсир қилиши мумкин деган хулосага келди”, деди БМТ раҳбари. Бош котиб айтганидек, ўтмишда аёллар эришган бу ва бошқа мисоллар жим бўлиб, эътибордан четда қолди.

Бунга мисол сифатида Кетрин Жонсон ва унинг Аполлон ойига қўниши пайтида НАСАда ишлаган учта афро-америкалик аёллар яширин рақамларда тасвирланганлиги, 1970-йилларда безгакни даволаш учун анъанавий хитой тиббиётига мурожаат қилган хитойлик аёл Ту Ююнинг кашфиётлари бутун дунё бўйлаб миллионлаб одамларнинг ҳаётини сақлаб қолганлиги ва охир-оқибат Нобел қўмитаси томонидан эътироф этилганлиги ва унга 2015 йилда физиология ва тиббиёт бўйича мукофот берилганлигини айтиш жоиздир.

Чуқур илдиз отган патриархал муносабатлар ва мисогиния оқибати бўлган гендер тенгсизлигини йўқ қилиш учун аёллар ва жамиятнинг барча жабҳаларида салоҳиятини тан олиш вақти келди.

Бироқ, кўплаб мамлакатларда бугунги кунда аёллар тўлиқ эркинликка эга эмаслар ва хурофот ва нотўғри қарашлардан азият чекмоқда. Ҳокимиятда аёллар кам, улар музокаралар столида кўринмайди, замонамизнинг ўткир масалаларини ҳал этишда иштирок этмайди.

БМТда биринчи марта “Гендер ижтимоий нормалари индекси”ни тузди. Шу мақсадда дунё аҳолисининг 80 фоиздан ортиғини ташкил этувчи 75 давлатдан тўпланган маълумотлар таҳлил қилинди. Тадқиқот аёллар дуч келадиган “кўринмас тўсиқлар”ни аниқлади. Янги тадқиқот муаллифларининг фикрича, маълумотлар аёлларга “шиша шифт” деб аталмиш тўсиқни – уларнинг мартаба ўсишига тўсқинлик қилувчи кўринмас тўсиқдан ўтишга ёрдам беради.

Ҳисоботда келтирилган маълумотларга кўра, респондентларнинг деярли ярми эркеклар кўпроқ муваффақиятли сиёсатчилар, 40 фоиздан ортиғи эркеклар корхоналарни бошқаришда яхшироқ эканлигига ишончлари комил. Бундан ташқари, 28 фоиз эркек ўз хотинини калтаклаш ҳуқуқига эга, деб ҳисоблайди. Шу билан бирга, сўнгги йилларда кўплаб мамлакатларда эркеклар ва аёлларнинг тенг ҳуқуқлилиги зарурлигига шубҳа кучайган.

Халқаро хотин-қизлар куни арафасида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Тараққиёт Дастури ҳисоботида дунё бўйлаб ҳар ўнта эркек ва аёлдан тўққиз нафари аёлларга нисбатан нотўғри қарашлар борлиги айтилган эди.

Шу сабабдан БМТ аёллар ҳуқуқлари ва гендер тенглиги учун курашда аввало эркеклар биринчи сафда туриши кераклиги тўғрисида сўз юритди ҳамда БМТ тарихида биринчи марта ташкилотнинг юқори мансабдор шахслари ўртасида гендер тенглигига эришилди, бугунги кунда улар орасида 90 нафар аёл ва 90 нафар эркек бор. Булар Бош котиб ўринбосарлари ва ёрдамчилари.

Жамиятда гендер тенглиги ва гендер мувозонатига эришиш, иккала жинснинг ҳам эҳтиёж ва манфаатларини ҳисобга олиш, уларга тенг имкониятларни таъминлаш ҳам хотин-қизлар, ҳам эркекларнинг аҳволи яхшиланиши, самарали иқтисодий ривожланиш, оиланинг мустаҳкамланиши, болаларни жисмоний ва маънавий-ахлоқий жиҳатдан тўғри тарбиялаш имкониятини англатади.

Бизга маълумки, Ўзбекистон Республикасининг мустақиллик йилларида шаклланган, сиёсат ва иқтисодиётга оид соҳаларини тартибга солувчи қонунчилиги, яратилган ҳуқуқий ва ташкилий механизмлар жамиятнинг барча соҳаларида тенг гендер имкониятларини таъминлаш сиёсатини танлаганлигидан далолат беради [2] .

Жумладан, 1995 йилнинг 2 мартида Ўзбекистон Республикаси Президентининг ижтимоий-иқтисодий ва маданий ривожланиш, оила, оналик ва болаликни ижтимоий ҳимоялашни кучайтириш ҳамда вазирликлар, маҳкамалар ва ҳудудий бошқарув

органлари фаолиятини мувофиқлаштириш масалаларини ҳал қилишга хотин-қизларни кенг жалб қилишга қаратилган “�збекистон Республикасининг давлат ва ижтимоий қурилишида хотинқизларнинг ролини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги махсус Фармони қабул қилинди. Унга кўра, республикада Бош вазирнинг хотин-қизлар ишлари бўйича ўринбосарлари лавозимлари жорий қилинди. 2004 йил 25 майдаги “�збекистон хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони, 2004 йил 30 июндаги Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 25 майдаги “Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” Фармони, Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси сенатининг 2021 йил 28 майдаги **“2030 ЙИЛГА ҚАДАР ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ГЕНДЕР ТЕНГЛИККА ЭРИШИШ СТРАТЕГИЯСИНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА” ГИ СҚ-297-IV-сон қарори қабул қилинди.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида ва жойларда оила, оналик ва болаликни ижтимоий ҳимоя қилиш масалалари бўйича котибиятлар ташкил қилиниб, фаолият юритди, “Ўзбекистон Республикасида Хотин-қизлар масалалари бўйича Концепция ва дастурий ҳужжатлар” ишлаб чиқилди ва 7 йўналиш асосида дастур яратилди.

Бундан ташқари сўнгги уч йилда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган қарийб 20 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат, жумладан, иккита қонун, президентнинг 1 та қарори ва 4 та фармони, ҳукуматнинг 12 та қарори қабул қилинган.

Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Нарбаеванинг мамлакатимизда хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақидаги интервьюси Қозоғистоннинг “Курсив” бизнес-нашрига берган интервьюсида шундай деган: “Ўзбекистон жамиятида аёл, энг аввало, меҳрибон она, уй бекаси, биринчи тарбиячи ва устоздир. Бу пахта яккаҳокимлиги даврида сунъий равишда бузилди. Ўшанда далаларда асосий ишчи кучи аёллар эди, улар ойлар давомида белларини букиб, бўлажак ҳосил ҳақида енг шимариб ғамхўрлик қилар эди. Қишлоқ аёли таълим олиш ва лавозими кўтарилиши ҳақида ўйлай олмасди. Касб-ҳунари йўқлиги уларнинг барқарор даромад олишига имкон бермасди, шу туфайли аёллар ожиза бўлиб қолган эди.

Бугун Ўзбекистонда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтиришга, давлат бошқаруви ва жамиятнинг барча жараёнларида уларнинг ролини оширишга қаратилган тизимли ислохотлар амалга оширилмоқда. Сўз хотин-қизларнинг алоҳида мақоми ва уларга нисбатан ҳурматни тиклаш ҳақида бормоқда. Бу тамойиллар гендер тенглик соҳасида амалга оширилаётган давлат сиёсатининг асосига айланди.

Бу вазифаларни амалга ошириш учун барча зарур шароитлар яратилган. Бироқ энг муҳими кучли сиёсий ирода бор.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев инаугуратциядаги нутқида хотин-қизларга доимий эътибор ва ғамхўрлик давлат сиёсатининг ажралмас қисми бўлишини, бу борада тегишли Миллий дастур қабул қилиниши кутилаётганини таъкидлади.

Қабул қилинган қонун ҳужжатларидан энг аҳамиятлиси, Ўзбекистон Республикасининг “Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида” ги ЎРҚ-561 сон Қонунинг қабул қилинганлигидир. Ушбу Қонунда Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари қилиб қуйидагилар белгиланган:

- хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш соҳасидаги гендер сиёсатини, давлат дастурларини ҳамда стратегияларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;
- жамиyatда хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонликка доир муросасизлик муҳитини яратиш;
- хотин-қизларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатлари тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилинишини таъминлаш;
- жамиyatда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, қонунийликни мустаҳкамлаш;
- хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонликнинг олдини олиш, уларни аниқлаш, уларга чек қўйиш учун самарали ташкилий-ҳуқуқий механизмларни яратиш;
- хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонлик содир этилишига олиб келадиган сабаблар ҳамда шарт-шароитларни бартараф этиш чораларини кўриш;
- тазйиқ ва зўравонликнинг олдини олиш мақсадида давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ҳамкорлигини таъминлаш.

Хулоса қиладиган бўлсак, умумэътироф этилган ҳамда Ўзбекистон ҳам ратификация қилган халқаро ҳужжатлар хотин-қизларга нисбатан фақат жинсий белгиси асосида қўлланувчи истисно ва чеклашларнинг ҳар хил кўринишларини жамлаб, аёлларнинг оилавий ҳолатидан қатъи назар, барча соҳаларда: сиёсатда, иқтисодда, ижтимоий ҳаётда, маданиятда, фуқароликда хотинқизларнинг тенг ҳуқуқларини таъминлашга чақиради. Оилавий ҳаёт масалаларида эркак ва аёллар учун бир хил ҳуқуқ ва бурчларни ўрнатишга даъват этади. Соғлиқни сақлаш, оилани режалаштиришда эркак ва аёлларга тенг фуқаролик ҳуқуқларини бериш масалаларини ўзида ифодалайди. Аёлларнинг сиёсий ва ижтимоий ҳаётда, таълим олишда ва иш билан бандликда, меҳнат қилишда аёлларнинг ҳуқуқлари масаласини ўзида ифодалайди. Аёлларнинг сиёсий ва ижтимоий ҳаётда, таълим олишда ва иш билан бандликда, меҳнати масаласида ёш аёлларнинг ҳуқуқларини камситувчи ҳолларини тугатишни ҳамда хотин-қизлар турмушга чиққанида ва она бўлган пайтида иш билан таъминлаш кафолатини назарда тутади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Фридан Б. Загадок женственности. М.: Прогресс, 1994;
2. Здравомыслова, Е. Темкина. Исследования женщин и гендерные исследования на Западе и в России //Общественные науки и современность. 1990. №6. С. 177-180.
3. Э. Гидденс. Социология. Т.: Шарқ. 2002.
4. Grumurthy A. Womens Rights and Status. Quektions of analysis and measurement. Gender in Development. Monograph. №7. UNDP. New York. 1998. [1]
5. Хотин-қизлар ва болаларнинг ҳуқуқларига оид қонун қафолатлари – Т.: 2000., -84-88 бетлар.

Интернет сайтлари:

1. <https://www.uz.undp.org/>
2. <https://lex.uz/docs/>
3. <https://uzanalytics.com/>
4. <https://customs.uz/>
5. <https://strategy.uz/>
6. <https://www.gazeta.uz/>

